

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАМРАЕВА ВИСОЛА ШОНАЗАРОВНА

**МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИНИ
КОМПЛЕКС БАҲОЛАШДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАНГАН НУТҚ
АУДИОМЕТРИЯСИ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Хамраева Висола Шоназаровна

Мактаб ёшидаги болаларнинг эшитиш қобилиятини комплекс баҳолашда модернизацияланган нутқ аудиометрияси..... 3

Хамраева Висола Шоназаровна

Модернизированная речевая аудиометрия в комплексной оценке слуха у детей школьного возраста..... 25

Khamraeva Visola Shonazarovna

Modernized speech audiometry in a comprehensive Assessment of hearing in children of school-age..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАМРАЕВА ВИСОЛА ШОНАЗАРОВНА

**МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИНИ
КОМПЛЕКС БАҲОЛАШДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАНГАН НУТҚ
АУДИОМЕТРИЯСИ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2019.2.PhD/Tib849 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsd1.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хасанов Саидакром Асқарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арифов Сайфутдин Саидазимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бобошко Мария Юрьевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт Университети
(Тожикистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: (+99871)-230-20-65; e-mail: tsdi2016@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел. (+99871)-230-20-65.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги № ___ рақамли реестр баённомаси)

Н.К. Хайдаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.А. Абдуқаюмов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) статистик маълумотларига кўра, «...ҳозирги кунда дунёда 466 млн. кишида эшитиш қобилиятининг ногиронликка олиб келувчи пасайиши кайд этилиб, шулардан 34 млн. нафари болалардир...»¹. Эшитиш қобилияти бузилган кишиларнинг 80 фоизидан ортиғи даромади паст ва ўртача бўлган мамлакатларда яшаётганлиги, замонавий консерватив даволаш усулларининг кўп ҳолларда самара бермаслиги, бу эса даволашнинг жарроҳлик усулларини ҳамда эшитиш қобилиятини тиклашда электроакустик қурилмаларни қўллаш заруратини келтириб чиқараётганлиги мазкур касалликнинг долзарбланишига сабаб бўлмоқда. Болаларда эшитиш фаолияти бузилишининг ўз вақтида ташхисланмаслиги ва тегишли реабилитация чораларининг кечикиши улар улғайганида эшитиш қобилияти пасайишига ва карликка олиб келиб, бу ҳолат жиддий ижтимоий муаммога айланади. Компьютер технологияларига асосланган аудиологик текширувлар эшитиш пастлиги муаммосининг ечими сифатида ижтимоий аҳамиятли эшитиш қобилиятининг сифатини баҳолаш имкониятларини кенгайтириб, электроакустик қурилмаларга, кохлеар амплантатларга эҳтиёж даражасини аниқлашда, шунингдек, эшитиш қобилиятини тиклаш самарадорлигини баҳолашда ёрдам беради.

Жаҳон амалиётида мактаб ёшидаги болаларнинг эшитиш қобилиятини комплекс баҳолашда модернизациялашган нутқ аудиометрияси самарадорлигини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Паст частотали филтрланган нутқ (LFPS) ва унинг модификациялашган шакли Test for Auditory Processing Disorders in Children, шунингдек, шовқинда нутқ тушунишни таҳлил қилиш тестлари: Matrix test, HINT (Hearing in Noise Test) ва мураккаблаштирилган дихотик тестлар – болаларда нутқни тушунишнинг бузилишини ташхислашда турли тилларда кенг қўлланилмоқда. Эшитиш фаолиятини баҳолашда нутқни спектрал таҳлил қилиш бўйича ҳар бир миллатга мос стандартлашган нутқ жадвалларини ишлаб чиқиш нутқли аудиометрия ёрдамида эшитиш фаолияти пасайишининг ижтимоий аҳамиятли эшитиш даражасига таъсирини ҳамда эшитиш реабилитацияси тадбирларини такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, тиббий таълим тизимини ислоҳ қилиш орқали болаларда эшитиш тизими касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам

¹Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) «Глухота и потеря слуха», 2021г.- <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/deafness-and-hearing-loss21>.

тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, мактаб ёшидаги болаларнинг эшитиш қобилиятини комплекс баҳолашда модернизациялашган нутқ аудиометрияси самарадорлигини баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотлар долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли, “Шошилиш тиббий ёрдам фолоти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сонли ва “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 7 февралдаги ПФ-5590-сон фармонларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли қарорида, шунингдек, соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда маълум даражада кўмак беради.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эшитиш қобилиятини тадқиқ этиш услубиётида эришилган ижобий натижаларга қарамасдан, эшитиш фаолияти пасайган мактаб ёшидаги болаларда нутқни тушуниш сифати, ўзбекча нутқдаги эркак ва аёл товушлари частота-амплитуда хусусиятларига боғлиқ ҳолда меъёра ва эшитиш пасайиши ҳолатларида қабул қилиш даражаси етарлича ўрганилмаган, шунингдек, болаларда эшитиш сифатини тадқиқ этиш учун ўзбек тилида нутқнинг акустик хусусиятларига асосланган стандарт сўз сигналлари ҳам танланмаган. Компьютер технологияларининг ривожланиш даражаси бугунги кунда нутқни янада аниқроқ, ўзига хос ва холис спектрал таҳлил қилиш имконини беради (Бобошко М.Ю. ва ҳаммуал., 2016; Голованова Л.Е. ва ҳаммуал., 2018). Масалан, нутқ аудиометрияси учун нутқ тестлари инглиз, рус, немис, фин, швед, француз, итальян, грузин, туркман ва бошқа баъзи тилларда ишлаб чиқилган (Таварткиладзе Г.А., 2013; Di Berardino F., 2012; Calandrucchio L. et.all., 2014). Эшитиш қобилияти сифатини баҳолашнинг ишончли ва сифатли бўлиши учун нутқ аудиометрияси, шубҳасиз, беморнинг она тилида ўтказилиши лозим. Демак, нутқ аудиометриясида ҳар бир тил гуруҳи учун миллий сўзлашув ва маҳаллий диалект хусусиятларини тўлиқ ҳисобга оладиган ўзининг шахсий нутқ тестлари қўлланиши лозим (Королева И.В., 2012; Неъматова З., 2014; Kollmeier B., Wendt D., Brand T., 2015).

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистонда ўзбек тилидаги артикуляция жадвалларини ишлаб чиқишга оид дастлабки ишлар С.Агзамов томонидан амалга оширилган. Муаллиф частотадаги фарққа эришиш мақсадида, бир матнда частота хусусияти бўйича бир хил фонемаларнинг максимал сонини ишлатган. Сўнгги 15 йил давомида ушбу муаммо билан Г.С.Агзамова шуғулланган бўлиб (2001), ўтказган тадқиқотлари катталарда ўрта кулоқ эшитиш қобилиятини яхшилаш мақсадида ўрта кулоқ санацияловчи ва реконструктив жарроҳлик амалиётини баҳолаш мақсадида ўзбек тилидаги нутқ аудиометриясини ўрганишга бағишланган. Бироқ мактаб ёшидаги болаларнинг эшитиш қобилиятини комплекс баҳолашда модернизациялашган нутқ аудиометрияси самарадорлигини яхшилаш борасида ишлар олиб борилмаган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунга қадар ўзбек тилидаги нутқ аудиометрияси учун нутқ жадвалларини ишлаб чиқишда объективлик тамойилига амал қилинмаган, хусусан, ўзбекча нутқнинг спектрал-частота таҳлиliga асосланмаган, шунингдек, болаларда ёш бўйича табақаланишга боғлиқ равишда эшитиш фаолиятининг меъёрий ва турли даражадаги эшитиш пасайишида ишлаб чиқилган нутқ жадваллари ёрдамида эркак ва аёл нутқини тушуниш даражаси аниқланмаган, бу эса тадқиқотларни давом эттиришни талаб қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.010010826 «Юқори нафас йўллари ва кулоқнинг туғма ҳамда орттирилган касалликлари клиникаси, патогенези даволаш самарадорлигини ошириш» (2014–2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбекча нутқнинг спектрал-частота таҳлили асосида анъанавий нутқ аудиометрияси услубини такомиллаштириш ва мактаб ёшидаги болалар учун мослаштирилган нутқ жадвалини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбекча нутқни «Praat» дастурини қўллаган ҳолда спектрал-частота жиҳатидан таҳлил қилиш ва анъанавий нутқ аудиометрияси учун мактаб ёшидаги болаларга мослаштирилган нутқ жадвалларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган нутқ жадваллари ёрдамида эшитиш қобилияти меъёрида бўлган болалардаги нутқни тушунишнинг меъёрий даражасини баҳолаш;

ишлаб чиқилган ўзбек тилидаги нутқ жадвалларидан фойдаланган ҳолда, эшитиш пасайишининг ҳар-хил шаклларида нутқ аудиометрияси натижаларини баҳолаш;

ўзбек тилида ишлаб чиқилган нутқ жадвалидан фойдаланилган нутқ аудиометрияси натижалари ҳамда тонал бўсаға аудиометрияси кўрсаткичлари мажмуига асосланиб, эшитиш қобилияти пасайган беморларда эшитиш реабилитацияси алгоритмининг такомиллаштириш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 147 нафар мактаб ёшидаги болалар, шу жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг оториноларингология бўлимида 2007-2019 йиллар давомида даволанган 107

нафар турли хил шакл ва I-III даражали эшитиши пасайган болалар, шунингдек, 40 нафар шу ёшдаги эшитиши меъёрида бўлган болалар текширилди.

Тадқиқотнинг предмети: эшитиш қобилияти бузилмаган ҳамда эшитиш қобилияти пасайишининг турли шакл ва даражаларида болалардаги эшитиш фаолиятини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқотда умумий клиник, оториноларингологик, аудиологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

компьютерли спектрограммада эркакларда (80-100гц), аёлларда (160-175гц) товуш частоталари диапозони таҳлили асосида нутқ аудиометрияси усули учун ўзбек тилида нутқ жадвали ишлаб чиқилган;

ўзбек тилида ишлаб чиқилган нутқ жадвали ёрдамида мактаб ёшидаги болаларнинг эшитиш фаолиятини ёшга боғлиқ меъёрий кўрсаткичлари асосида сенсоневрал, кондуктив ва аралаш эшитиш пасайишида ижтимоий эшитиш мезонлари ва реабилитация турлари асослаб берилган;

нутқ аудиометрияси жараёнида эркак ва аёл нутқини бирга қўллаш билан нутқ частоталар фарқига эришилиши исботланган;

кулоқ оғирлигининг турли шаклларида нутқ ва тонал бусаға аудиометрияларининг натижалари асосида болаларда эшитиш қобилиятини ижтимоий реабилитация қилиш чоралари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

болалар учун ўзбек тилидаги нутқ жадваллари ишлаб чиқилган ва жорий қилинган бўлиб, улар нутқ аудиометриясининг замонавий талабларига жавоб беради ҳамда 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларда эшитиш анализаторининг фаолиятини баҳолашда фойдаланилиши мумкин;

болаларнинг ижтимоий сўзлашув муҳитини ҳисобга олиб, нутқ аудиометриясини эркак ва аёл овозларидаги нутқ сигналлари билан ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги тасдиқланган (мактабларда асосий ўқитувчилар таркиби аёл жинсига мансуб);

эшитиш қобилияти пасайишининг турли шакллари билан касалланган болаларда ўтказилган ўзбек тилидаги нутқ аудиометрияси маълумотлари асосида эшитиш қобилиятини тузатиш бўйича кейинги тиббий-реабилитация усуллари билан белгилаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, олинган маълумотлар статистик услубларда таҳлил қилинганлиги, шунингдек, олинган натижалар халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган клиник-аудиологик текширишлар маълумотлари эшитиш қобилиятини бузилишининг ҳар хил шакллари билан касалланган болаларни ташхислаш ва реабилитация қилишда таянч сифатида хизмат қилувчи бир қатор муҳим мезонларни аниқлашга имкон беришидан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улар болалар сурдологияси соҳасида эшитиш қобилияти бузилишининг ҳар хил шакллари билан касалланган болаларни ташхислаш ва реабилитация қилишда фойдаланиши мумкинлигидан иборат. Ўзбек тилида ишлаб чиқилган нутқ тестлари эшитиш қобилияти бузилишларини текширишда унинг пасайишини тезкорлик билан ташхислаш, турли ёш гуруҳларига мансуб болаларда электроакустик тузатиш самарадорлигини баҳолаш учун негиз тузилма бўлиб, шунингдек, кохлеар имплантациясидан ва эшитиш қобилиятини электроакустик тузатишнинг бошқа турларидан сўнг болаларда эшитиш-нутқ сўзлашни тиклаш самарадорлигини баҳолаш мақсадида кенг қўлланадиган эркин товуш майдонидаги нутқ аудиометрияси жараёнига жорий қилиниши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактаб ёшидаги болаларнинг эшитиш қобилиятини комплекс баҳолашда модернизациялашган нутқ аудиометрияси самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Болаларда эшитиш қобилиятини баҳолашда ўзбек тилидаги нутқ аудиометриясининг мослаштирилган усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 27 мартдаги 8н-д/121-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома эшитиш фаолиятининг бузилишларини текширишда эшитиш қобилиятининг пасайиши ҳолатини аниқлаш, шунингдек, турли ёш гуруҳларига мансуб болаларда электроакустик тузатиш самарадорлигини баҳолаш имконини беради;

«Мактаб ёшидаги болаларда эшитиш қобилияти пасайишини ташхислаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 27 мартдаги 8н-д/114-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома эшитиш пасайишининг турли шаклларида комплекс аудиологик текширишга ўзбек тилидаги нутқ аудиометриясини киритиш ижтимоий аҳамиятли эшитиш қобилиятини баҳолаш ҳамда эшитишни реабилитация қилиш бўйича кейинги чораларни белгилаш имконини беради;

мактаб ёшидаги болаларнинг эшитиш қобилиятини комплекс баҳолашда модернизациялашган нутқ аудиометриясини баҳолаш натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академияси, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари кўп тармоқли болалар шифохоналарининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 августдаги 08-09/6070-сон маълумотномаси). Иқтисодий самарадорлик мазкур гуруҳдаги болаларда эшитиш қобилияти бўйича ногиронликнинг камайиши ҳолатини белгилаб беради. Бунга эшитиш қобилиятининг ижтимоий жиҳатдан яроқлилигини ўз вақтида аниқлаш, демак, боланинг ёши, касаллик тури ва даражасига боғлиқ равишда электроакустик тузатиш мосламаларини тўғри ва сифатли танлаш, тиббий-реабилитация тадбирларини ўтказиш орқали эришиш мумкин, бу эса, ўз навбатида, сарф-харажатларни 2,1 баробарга қисқартириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шу жумладан 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда эшитиш қобилиятининг бузилишлари, ташхислаш ва реабилитация имкониятлари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида муаммонинг бугунги кундаги ҳолати таҳлил қилинган, эшитиш фаолиятининг сустлашиши эпидемиологияси қисқача кўриб чиқилган, таҳлил қилинаётган муаммонинг энг кўп учрайдиган сабаблари бўйича статистик маълумотлар келтирилган. Аудиология хизматининг ривожланиш босқичларида эшитиш анализатори функцияларини тадқиқ қилиш усуллари ва уларнинг болалардаги эшитиш қобилияти бузилишларини ташхислашдаги самарадорлиги ўрганилган, ижтимоий нутқни тадқиқ қилишда турли тиллардаги нутқ аудиометриясига эътибор қаратилган. Мавжуд маълумотлар таҳлил этилган ва тўпланган билимлардаги баъзи камчиликлар аниқланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалга умумий тавсиф берилган, беморлар билан ўтказилган асосий тадқиқот усуллари таърифланган. Тадқиқот 2007 йилдан 2019 йилгача бўлган давр мобайнида ТошПТИ клиникасига стационар даволаш учун ётқизилган ва амбулатория кўригидан ўтказиш учун келган турли этиологияга эга I–III даражали эшитиш пастлиги билан касалланган мактаб ёшидаги 107 нафар болани текширишга асосланган бўлиб, бу болалар асосий гуруҳни ташкил этди. Ўрганилаётганлар сафига сўзлашув нутқини эгаллаган, текширишга нисбатан тўғри жавоб қайтара оладиган ҳамда 40 дБ дан ортиқ бўлмаган симметрик ва асимметрик эшитиш пастлиги аниқланган болалар киритилди. Истисно қилиш мезонлари

эшитиш пастлигининг IV даражаси, марказий генезга эга сенсоневрал эшитиш пастлиги бўлди. Назорат гуруҳини худди шу ёшдаги 40 нафар амалий жиҳатдан соғлом бола ташкил қилди.

Болаларнинг ҳаммаси 2 та ёш гуруҳига тақсимланди. Биринчи гуруҳни 6 ёшдан 11 ёшгача (кичик мактаб гуруҳи) бўлган 85 нафар (57,8%) бола ташкил этди; иккинчи гуруҳга эса 12 ёшдан 17 ёшгача (катта мактаб ёши) бўлган 62 нафар (42,2%) бола киритилди. Улардан 55,1% эркак ва 44,9% аёл жинсига мансуб (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши

Гуруҳлар	Текширилган болалар ёши ва жинси								Жами	
	6-11 ёш				12-17 ёш					
	Ўғил болалар		Қиз болалар		Ўғил болалар		Қиз болалар		Абс.	%
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%		
Асосий	33	30,8	32	29,9	26	24,3	16	14,9	107	72,8
Назорат	8	20,0	12	30,0	14	35,0	6	15,0	40	27,2
Жами	41	27,9	44	29,9	40	27,2	22	14,9	147 (100%)	
	85 (57,8%)				62 (42,2%)					

Беморларнинг асосий қисмини икки томонлама касаллиги бор 100 та (93,45%) бемор ташкил этиб, 7 та (6,54%) бола эшитиш қобилиятининг бир томонлама шикастланишига эга эди.


Эшитиш пастлиги даражаси эшитиш қобилиятининг халқаро таснифига мувофиқ (ЖССТ, 1997) аниқланди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал


Эшитиш қобилияти бузилган болаларнинг эшитиш пастлиги даражасига боғлиқ равишда табақаланиши

Эшитиш пастлиги даражаси	Ёши (йилларда)				Умумий сони	
	6-11 ёш		12-15 ёш			
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
I	30	28	15	14	45	42,0
II	24	22,4	13	12,1	37	34,6
III	11	10,3	14	13,1	25	23,4
жами	65	60,7	42	39,3	107	100,0

Текширувдан ўтказилган болаларда тонал бўсағали аудиометрия ёрдамида эшитиш қобилияти бузилишининг даражаси ва тури аниқланди, хусусан, текширилган болаларнинг 47,7% да (51) сенсоневрал эшитиш пастлиги, 35,5% да (38) кондуктив, 16,8% да (18) эса аралаш тури учради; беморларнинг 23 нафарида (21,5%) касаллик вақти 1 йилдан камни, 35 нафарида (32,7%) 1 йилдан 3 йилгачани ва 49 болада (45,8%) 3 йилдан ошқни ташкил этди (1-расмга қаранг). Оториноларингологик текширув ёрдамида 56 болада (51,8%) ўрта кулоқ касаллиги аниқланди, шундан 34 таси (61,0%) экссудатив ўрта отит, 16 таси (28,5%) сурункали йирингли ўрта отит ва 6 таси (10,1%) адгезив ўрта отит билан оғриган (2-расмга қаранг).



1-расм. Эшитиш пастлигининг турига боғлиқ равишда давомлилиги.



2-расм. Беморлардаги ўрта қулоқ касалликлари (n=56).


Беморларни кўздан кечириш қўйидаги тартибда амалга оширилди: умумий қабул қилинган амалиёт бўйича ЛОР-органларни кўздан кечириш ҳамда дастлабки аудиологик текширувлар – акуметрия, тонал бўсаға аудиометрияси, импедансометрия, нутқ аудиометрияси услуби.

Кўйилган вазифани ҳал этиш – ўзбек тилидаги нутқ аудиометриясини ўтказиш учун биз томондан нутқ жадваллари тузилди. Жадвалларни тузишда бир ва икки бўғинли сўзлар, сонлар, жумлалар текширилаётган болаларнинг фонетик, луғавий, ритмик-динамик, грамматик ва ёшга хос сўзлашув лексикони ҳамда ўзбек тилининг бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Жадвалларни тузишда ўзбек, роман ва славян тилларининг нутқий жиҳатдан фонема ва товуш хусусиятлари таҳлил қилинди; бошқа тилларда жадвал тузишнинг адабиётларда келтирилган услублари таққосланди.

Нутқ сигналларини таҳлил қилиш ва тадқиқ этиш учун бу сигналларнинг кенгайтирилган частотали диапазонда, ҳеч қанақа кодерлар билан сиқилмаган ҳолда студия шароитида амалга оширилган аудиоёзувлардан фойдаланилди. Тадқиқотлар ҳар хил жинс ва ёшдаги дикторлар томонидан ўзбек тилида талаффуз қилинган нутқ сигналларининг аудиоёзуви ёрдамида ўтказилди. Назорат учун роман, славян тилларидаги аудиоёзувлар солиштирилди.

Нутқ аудиосигналларини таҳлил қилиш учун Амстердам университетининг Фонетика фанлари институтида ишлаб чиқилган “Praat” дастуридан фойдаланилди (3-расмга қаранг). Нутқ сигналларини мавжуд усуллар билан таҳлил қилишда 50 Гц дан 4 КГц гача диапазонга амал қилиш ҳамма томонидан қабул қилинган, чунки бу частотали диапазондан ташқарида англаб олиш учун аҳамиятсиз бўлган ахборотгина жойлашган деб ҳисобланади. Бу тахминни инкор этиш учун барча тадқиқотлар инсон эшитиш анализатори қабул қиладиган жами частотали дипазонга, яъни ўзбек дикторларининг товуш кучи 65 дБ бўлган

меъёрдаги нутқда 20 Гц дан 20 КГц гача кенгайтирилди. Шу ҳолат ҳам муҳимки, ишлаб чиқилган жадваллар натижасида эшитиш фаолиятини янада аниқ миқдорий ва сифат тавсифига эга бўлиш мумкин, чунки эшитиш қобилиятининг пасайиши ва нутқнинг тушунарлилиги товуш анализаторидаги бузилишни тури ва даражасига боғлиқдир.



3-расм. “Praat” дастурининг таркибий қисмлари

Фарқлардаги аниқликни баҳолаш учун Pentium-IV компьютерида Excel-2003 дастурида, Стъюдент t-мезонини қўллаган ҳолда, олинган натижаларга вариацияли статистиканинг стандарт усуллари ёрдамида ишлов берилди. Ўртача катталиқлар $M \pm m$ (ўртача ± ўртачанинг ўртача хатоси) кўринишида берилди. $P < 0,05$ бўлган фарқлар ишончли ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Болалар учун ўзбек тилида модернизациялаштирилган нутқ аудиометриясини инновацион компьютер технологиялар қўллаган ҳолда ишлаб чиқиш босқичлари**» деб номланган учинчи бобида ўзбекча нутқнинг частота-амплитуда хусусиятлари спектрал таҳлилининг кўрсаткичлари ҳамда немис ва рус тилларидаги нутқ формантларининг ўрта ҳисобдаги кўрсаткичлари қиёсий нуқтаи назардан кўриб чиқилган. Ўзбекча нутқ роман ва славян тилларига қараганда анча паст асосий тонга эга эканлиги аниқланди. Шунингдек, гендер бўйича фарқлар ҳам аниқланди – берилган товуш кучи кўрсаткичларида эркак овози 80-100 Гц чегарасидаги асосий тонга эга бўлган бўлса, аёл овози худди ўша сўз ва сўз бирикмаларини талаффуз қилишда 160-175 Гц ни ташкил этди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Тил гуруҳлари бўйича фонемаларнинг асосий тонини таққослаш

Тил	Эркак овози, Гц	Аёл овози, Гц
роман	110 – 130	220 – 240
Славян	90 – 110	180 – 210
Ўзбек	80 – 100	160 – 175

Тадқиқотда асосий эътибор кўпинча шовқин сифатида қабул қилинадиган шипилдоқ товушларга қаратилди. Бироқ, ўз хусусиятига кўра, шипилдоқ товушлар юқори частотали сигналлар бўлиб, уларнинг асосий оҳанги 8.200-8.800

Гц оралиғида ўзгариб туради. Нутқ сигналидаги бу частотали диапазон кам ўрганилган ва, одатда, рақамли кодлаш жараёнида нутқ сигналдан чиқариб ташланади. Улар нутқда талаффуз қилинишидаги каби унчалик равшан ифодаланмаган бўлса ҳам, лекин барибир шипилдоқ товушларга ҳам барчаси асосий оҳанг частотасидан қуйида жойлашган формантлар хос бўлади.

Биринчи даражадаги формант 900 – 1.600 Гц частоталар дипазонида, иккинчи формант 1.300 – 3.200 Гц диапазонда, учинчи формант 3.000 – 4.700 Гц диапазонда, тўртинчи формант эса 4.500 – 5.100 частоталар дипазонида қайд этилди. Бунда шипилдоқ товушлар шундай хусусиятга эгаки, барча формантлар нутқ сигнали эшитилиши вақтида уйғун тубранишда бўлади. Бошқа барча нутқ сигналлари тоифалари бўйича тўртала формантнинг ҳаммасида сигнал эшитилиш давомида ошувчи, камаювчи ва деярли доимий бўлган частота ўзгаришларининг турли комбинациялари қайд этилди. Ундан ташқари, тадқиқот давомида формант ўзгаришларининг частотавий тузилиши ва комбинациялари эркак дикторлар учун ҳам, аёл дикторлар учун ҳам, умуман олганда, бир хил эканлиги аниқланди (4-жадвалга қаранг).


4-жадвал

Турлир жинсдаги дикторларда нутқ сигнали формантлари ва асосий тонининг таҳлили

Формантлар ва асосий тон гц/дб	Диктор жинси	
	Эркак	Аёл
F1	2159,5±92,38	2740,12±119,36***
F2	5660,1±141,18	6842,0±141,98**
F3	9428,13±106,2	10382±98,93**
F4	12407,0±114,85	13447,5±94,1**
F0	507,1±94,29	1861,4±201,41***
I, дБ	70,56±0,45	73,3±0,39***

Изоҳ: *- жинслар ўртасидаги маълумотлар аниқлиги (**-P<0,01; *** - P<0,001)

Шу билан бирга, ўзбекча нутқни таҳлил қилиш натижалари, дикторнинг ёши ва жинсидан қатъи назар, нутқ сигналларининг фактор компонентлари тамомила бир хил тузилганлигини кўрсатди (4-расмга қаранг).



4-расм. Ҳар хил жинсдаги дикторлар бир хил нутқ сигналнинг гистограммаси, спектри ва компоненти график кўриниши (диктор 1 – катта ёшли эркак киши, диктор 2 – катта ёшли аёл).

Дикторлар нутқининг вақт ўқи бўйича гистограммаси бир қадар чўзилишига ёки сиқилишига олиб келган тезлигидаги фарққа қарамасдан, график кўриниш, кўрсаткичларнинг ўзгармас миқдор қийматлари сингари, бир хил нутқ сигналининг компоненти бир хил тузилиш ва ўзини тутишга эга эканлигини кўрсатди.

Олинган маълумотларга асосланиб, юқорида санаб ўтилган ёш гуруҳларидаги болалар учун ўзбек тилидаги нутқ жадваллари ишлаб чиқилди ва бу жадваллар қуйидаги мезонларга мос келади:

нутқ сигналлари болалар ёши ва улар мулоқотда ишлатадиган луғат даражасига кўра танланган, шунингдек, уларни қабул қилиш осон;

таркиби энг кўп фонемалар сонидан, бир бўғинли, икки бўғинли сўзлардан, жумлалар ва сонлардан иборат;

6-11 ёшдаги болаларда нутқ тушунарлилигини ўрганиш вақтини қисқартириш мақсадида 6 та сўзли жадваллардан 3 та гуруҳи танлаб олинди, 12-17 ёшдаги болалар учун 3 та гуруҳ 10 та сўзли ва рақамли жадваллардан иборат бўлди;

нутқ жадвалларига кўникишнинг олдини олиш учун улар ўзгартириб турилди.

6-11 ёшдаги болалар учун нутқ жадвали 12 та бир бўғинли ва 12 та икки бўғинли, 24 та жумла ва 12 та сондан иборат бўлди. 12-17 ёшли болалар учун 20 та бир бўғинли, 40 та икки бўғинли, 20 та жумла ва 20 та сондан иборат бўлди.

Таклиф қилинган тестларни тегишли ёш гуруҳидаги соғлом эшитадиган болаларда дастлабки синондан ўтказиш натижасида алоҳида сўз гуруҳларининг акустик жиҳатдан бир-бири билан бир хил даражада бўлишига эришилди ҳамда соғлом эшитиш функциясига эга мактаб ёшидаги болаларда нутқ сигналларининг ўсиб бориш ва пасайиб бориш тартибидаги ўзгаришларида ўзбекча нутқ товушларини қабул қилиш ва тушуна олишнинг ёшга оид меъёрлари аниқланди.

Назорат гуруҳида масофадан туриб нутқни қабул қилиш бўйича олинган маълумотлар меъёрдаги кўрсаткичларга мос келади. Соғлом болалардаги нутқни тушуниш бўсағасига 100% ҳолатда эришилган. (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Назорат гуруҳидаги болаларда нутқни тушуна олиш кўрсаткичлари

Нутқни тушуниш бўсағаси %	Назорат гуруҳи	
	Эркак овози/ дб	Аёл овози/дб
6-11 ёшдаги болалар (n=20)		
Сезувчанлик бўсағаси	11,09±0,47	11,09±0,47
50% тушуниш бўсағаси	21,0±0,47	25,5±0,35
100% тушуниш бўсағаси	31,0±0,47	31,1±0,51
12-17 ёшдаги болалар (n=20)		
Сезувчанлик бўсағаси	11,5±0,54	11,5±0,54
50% тушуниш бўсағаси	21,5±0,54	22,8±0,58
100% тушуниш бўсағаси	31,5±0,54	31,5±0,54


Изох: *- жинслар ўртасидаги маълумотлар аниқлиги (**-P<0,001; * - P<0,02)

Эркак ва аёл овозида нуткни тушуниш бўйича олинган маълумотларнинг бир хиллигига қарамасдан, болаларнинг аксарияти аёл жинсига мансуб диктор талаффуз қилган сўзларни қабул қилишда ноқулайлик ёки қийинчилик бўлганлигини қайд этди. Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, эшитиши меъёрида бўлган болаларда товуш англаш бўсағаси ўрнатилганидан сўнг нутқ товушлари кучининг янада ошиши тушунарлиликнинг жуда тез ўсишига олиб келади, буни эса қулоқ оғирлигининг турли шакллари ташхислашда ҳисобга олиш лозим бўлади.

Диссертациянинг «Эшитиш пастлигининг турли шакллари билан оғриган болаларни комплекс аудиологик текширишда ўзбек тилидаги нутқ аудиометрияси натижалари» деб номланган тўртинчи бобида эшитиш пастлигининг турли шакл ва даражалари билан касалланган беморларда таклиф этилган замонавийлаштирилган нутқ аудиометриясини тадқиқ қилиш натижалари тақдим этилган.


Сенсоневрал эшитиш пасайиши (СНЭП) бўлган 51 нафар бола текширувдан ўтказилди. Улар орасида ортирилган эшитиш пастлиги улуши 90,2% ни ташкил қилди. Эшитиш қобилияти пасайишига этиологик омил сифатида ототоксик препаратларни қабул қилиш (39,2%), инфекция ва яллиғланиш касалликлари (29,4%), жароҳатланиш касалликлари (9,8%) бўлган, СНЭП этиологияси 21,6% ҳолатда номаълум қолди. Текширишдан ўтказилган болаларнинг ҳаммасида эшитиш қобилияти бузилишининг периферик тури кузатилиб, у ички қулоқ шикастланишида ифодаланади.

СНЭП билан касалланган беморларда, тонал бусаға аудиометрияси натижаларига кўра, эшитиш қобилиятининг 0,125 дан 8 Гц гача бўлган частотали диапазонларда пасайиш даражасига боғлиқ равишда, ҳосил бўлган кўрсаткичлар таҳлили I даражали СНЭП бўлган болаларда эшитиш бўсағасининг ошиши юқори частоталарда (2-8 кГц) қайд этилишини, айти пайтда паст ва ўртача частоталар меъёр чегараларида сақланиб қолишини кўрсатди. Мазкур гуруҳ болаларида аудиограмма эгри чизиғи пасаювчи саналади.




5-расм. 6-11 ёшда сенсоневрал эшитиш пастлигининг I даражасида тонал бўсаға аудиометриясининг ўртача кўрсаткичи

II даражали СНЭП бўлган болаларда эшитиш бўсағасининг сезиларли ошиши 0,5 дан 8 кГц гача частоталар диапазонида кузатилади, паст ва ўрта частоталар майдонида эшитиш бўсағасининг ошиши пасаювчи эгри чизиққа эга бўлиб, у юқори частоталар майдонига томон ошиб боради, шунингдек, болаларда ўнг томонга қараганда чап томондан эшитиш бўсағасининг ошиши кузатилади. Бу болаларнинг аксарият ҳолатларда пасаювчи эгри чизиқ кузатилди (6-расмга қаранг).



6-расм. 6-11 ёшда сенсоневрал эшитиш пастлигининг II даражасида тонал бўсаға аудиометриясининг ўртача кўрсаткичи

Болаларда СНЭП III даражасига 125 дан 8 кГц гача частоталар диапазонида эшитиш бўсағасининг ошиши хос бўлиб, паст частоталар майдонида 12 та текширилган қулоқдан аксариятида эшитиш бўсағасининг ошиши пастга тушувчи эгри чизиққа эга бўлиб (91,7%), у юқори частоталар майдонига қараб ошиб боради (7расмга қаранг). Болаларнинг 8,3% да (1) горизонтал эгри чизиқ кузатилади.



7-расм. 6-11 ёшда сенсоневрал эшитиш пастлигининг III даражасида тонал бўсаға аудиометриясининг ўртача кўрсаткичи

12-17 ёш беморлар тонал бўсаға аудиометрия натижалари 6-11 ёшли беморлар натижаларига ўхшаш бўлсада, катта гуруҳ беморларда паст ва ўрта частоталарда эшитиш бўсағаси кўпроқ ошиши кузатилиб, бу касалликнинг

узоқ давом этганлиги билан изоҳланади. I даражали сенсоневрал эшитиш пастлиги бўлган болаларда 12-17 ёшда ҳосил бўлувчи эгри чизиклар таҳлилида пастга тушувчи эгри чизик қайд этилади.

II даражали эшитиш пастлигида 12 та текширилган қулоқдан аксарият ҳолатларда (78,6%) пастга тушувчи эгри чизик кузатилади. III даражали эшитиш пастлиги текширилган 24 та қулоқдан аксариятида (23; 95,8%) тонал бўсаға аудиометрияси пастга тушувчи эгри чизикқа, 4,2% болаларда горизонтал эгри чизикқа эга. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, СНЭП билан касалланган 6-11 ёшдаги болаларда эшитишни сезувчанлик бўсағаси эшитиш қобилиятининг II ва III даражали бузилишларида эркак ва аёл овозига боғлиқ равишда интенсивликнинг ишончли фарқланишига эга ($P < 0,05$). Шунингдек, 50% тушуниш бўсағасининг эркак ва аёл овозини қабул қилишда аниқ фарқланиши СНЭП I ($P < 0,001$), II ($P < 0,001$) ва III ($P < 0,005$) даражалари бўлган болаларда қайд этилди. Ўхшаш майллик эркак ва аёл овозини қабул қилишга нисбатан 100% тушуниш бўсағасида кузатилди. СНЭП III даражаси бўлган болаларда 100% тушуниш бўсағасининг интенсивлик кўрсаткичи эркак овозида $87,5 \pm 2,5$ дБ ни ташкил қилган бўлса, аёл овозида 100% тушуниш бўсағасига эришилмади (6-жадвалга қаранг).

Ўхшаш кўрсаткичлар сенсоневрал эшитиш пастлиги бўлган 12-17 ёшдаги болаларда сезувчанлик бўсағасига нисбатан аниқланди. Тушуниш бўсағасини таҳлил қилишда СНЭП II ва III даражаларида 50% тушуниш бўсағаси кўрсаткичларининг интенсивлигига диктор жинсининг таъсири сезиларли бўлди ва у эркак овозида $59,6 \pm 3,4$ дБ ни, аёл овозида $71,7 \pm 2,1$ дБ ни ташкил этди ($P < 0,005$), СНЭП III даражаси бўлган болаларда эркак овозида $87,5 \pm 2,4$ дБ ни ташкил қилди, аёл овозида эса 100% тушуниш бўсағасига эришилмади.

6-жадвал

Сенсоневрал эшитиш пастлиги бўлган болаларда эшитиш қобилияти ва нутқни тушуниш бўсаға кўрсаткичларини солиштириш (n=51)


Нутқни тушуниш фоизи(%)	Эшитиш қобилиятининг пасайиши дБ					
	I даража		II даража		III даража	
	Эркак овози	Аёл овози	Эркак овози	Аёл овози	Эркак овози	Аёл овози
6-11 ёшдаги болалар						
Тушуниш бўсағаси	$34,2 \pm 1,9$	$34,4 \pm 1,9$	$43,3 \pm 1,9$	$45,2 \pm 2,4^{***}$	$59,4 \pm 2,6$	$64,4 \pm 3,9^{***}$
50% Тушуниш бўсағаси	$47,5 \pm 2,8$	$57,5 \pm 2,7^*$	$60,2 \pm 2,4$	$68,1 \pm 3,1^*$	$75,0 \pm 1,9$	$87,5 \pm 2,5^{**}$
100% Тушуниш бўсағаси	$62,2 \pm 3,9$	$74,4 \pm 3,8^*$	$69,7 \pm 1,6$	$80,8 \pm 2,5^{**}$	$87,5 \pm 2,5$	-
12-17 ёшдаги болалар						
Тушуниш бўсағаси	$32,5 \pm 4,3$	$33,8 \pm 3,8$	$43,8 \pm 1,5$	$53,3 \pm 1,7^{***}$	$62,9 \pm 3,3$	$66,7 \pm 3,3^{***}$
50% Тушуниш бўсағаси	$47,5 \pm 5,9$	$53,0 \pm 8,0$	$59,6 \pm 3,4$	$71,7 \pm 2,1^{**}$	$77,5 \pm 2,5$	$87,0 \pm 0,0$

100% Тушуниш бўсағаси	62,5±7,5	72,5±7,5	78,8±3,9	88,8±4,8	89,9±2,4*	-
-----------------------	----------	----------	----------	----------	-----------	---


Изоҳ: * - эркак ва аёл овози ўртасидаги маълумотларнинг аниқлиги * - P<0,001; **- P<0,005; ***-P<0,05

